

Ҳазрати Абу Бакр (3-қисм)

16:37 / 21.04.2017 6599

СОЛИҲ САЛАФЛАР ИБРАТИ

САҲОБАЛАР САЙЙИДИ

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳаётларидан лавҳалар

Энг яқин дўст

(3-қисм)

Неча кунки, Макка ажиб воқеаларни бошидан кечирмоқда. Ҳазрат Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан сўнгги ҳақ дин – Исломга инсонларни даъват қилиш вазифаси ила ваҳий нозил бўла бошлади. Биринчи бўлиб Расули акрамнинг покиза завжалари ва содиқ йўлдошлари Хадича бинти Хувайлид розийаллоҳу анҳо иймон келтирдилар. Унинг ортидан озод қилинган қуллари Зайд ҳам Исломга кирди. Болалардан эса беш ёшли Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҷҳаҳу мусулмон бўлдилар.

Аллоҳнинг сўнгги пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккада жонажон ва яқин дўстларининг исми Абдуллоҳ ибн Абу Куҳофа эди. Абдуллоҳ исмини у кишига Расули акрамнинг ўзлари танлаб бергандилар. Абдуллоҳ ақл-заковатлари билан бутга сиғинишнинг бемаъни ва ёмон иш эканини англаган, ҳеч қачон бутга топинмаган, оғзига ичкилик олмаган, ҳамма ёқда фаҳш урчиб ётганига қарамай, зинога асло яқинлашмаган, покиза, ҳаниф, ишончли инсон эдилар. Маккада эътибори ва шарафи улуғ, бадавлат тижоратчи бу зотнинг келажакда Абу Бакр куняси, Сиддиқ лақаби билан Ислом тарихида маълум ва машҳур бўлиб кетишларини Аллоҳ ирода этганди.

Икки дўст шунчалик иноқ ва самимий биродарлик ришталари билан боғланган эдиларки, бунга ҳеч нарса раҳна сололмасди. Ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмоқ истаганлар у зотни Абу Бакрнинг дўконларидан топишар эди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу эса азиз ва амин дўстининг гапларини икки қилмас, у зот билан фахрланардилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг расули оилаларидагилардан ташқари биринчи бўлиб

Абу Бакрни Исломга даъват қилдилар. Абу Бакр ўйлаб ҳам ўтирмадилар, тараддудланмадилар, иккиланмадилар, мулоҳазалар дарёсида сузмадилар. Қутлуғ даъватга лаббай, деб жавоб бердилар. «Ла илаҳа иллаллоҳ, анна Муҳаммадан расулуллоҳ», дея шаҳодат келтирдилар. Ана шунинг учун ва Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожга чиққанларини эшитган заҳотилари тасдиқ этганлари учун Сиддиқ лақаби билан шарафландилар.

Абу Бакрнинг мусулмон бўлишлари Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга катта ёрдам, далда, рағбат, дастак бўлди. Бу зотнинг ҳимматлари, далолатлари туфайли баобрў кишилардан беш нафари Исломиёт ила шарафланди. Чунки улар Абу Бакрнинг бирон янглиш йўлга бошламасликларига, ҳеч кимни алдамасликларига амин бўлган эдилар. Булар – Усмон ибн Аффон, Абдурахмон ибн Авф, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Саъд ибн Абу Ваққос, Зубайр ибн Аввом эдилар. Не бахтки, Исломга биринчилардан бўлиб кирган маккалик ана шу саккиз киши, яъни Зайд, Али, Абу Бакр Сиддиқ ва юқоридаги бешовлон «Собиқуни Ислом» номи ила тарих саҳифаларига муҳрландилар.